

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИНСТИТУТИ**

**МУҚИМОВА ДАВЛАТХОН КАРИМОВНА**

**ШУДГОРЛАНГАН ЕРЛАРГА ИЗМА-ИЗ ИШЛОВ БЕРИШДА  
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНАНИНГ  
ДИСКЛИ ҒАЛТАКМОЛАЛАРИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ГУЛБАҲОР – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

<b>Муқимова Давлатхон Каримовна</b> Шудгорланган ерларга изма-из ишлов беришда кўлланиладиган комбинациялашган машинанинг диски ғалтакмолалари параметрларини асослаш .....	3
<b>Муқимова Давлатхон Каримовна</b> Обоснование параметров дискового катка комбинированной машины применяемые для последовательной обработки ново-вспаханной почвы...	19
<b>Muqimova Davlatkhan Karimovna</b> Substantiation of the combined machine disk roller parameters applicable for sequential treatment of the new plowed soil .....	34
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	37

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ Ph.D.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИНСТИТУТИ**

---

**МУҚИМОВА ДАВЛАТХОН КАРИМОВНА**

**ШУДГОРЛАНГАН ЕРЛАРГА ИЗМА-ИЗ ИШЛОВ БЕРИШДА  
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНАНИНГ  
ДИСКЛИ ҒАЛТАКМОЛАЛАРИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ГУЛБАҲОР – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T216 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тўхтақўзиев Абдусалим**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мансуров Мухтор Тохиржонович**  
техника фанлари доктори

**Хушвақтов Ботир Воҳидович**  
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим


**Етакчи ташкилот:**

«ВМКВ-Agromash» АЖ

Диссертация химояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» ноябрь соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801 Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-04-07, факс: (+99870) 601-04-07, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz)).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (440 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801 Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-04-07, факс: (+99870) 601-04-07, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «12» ноябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил 12 ноябрь № 3 рақамли реестр баённомаси).



**М.Т. Тошболтаев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**А.А. Ибрагимов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**К.К.Нуриев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган энергия-ресурстежамкор, иш унуми ва сифати юқори бўлган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. «Ҳозирда дунё бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш учун ҳар йили 1,8 млрд. гектар майдонга ишлов берилишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган машиналар аввало энергия-ресурстежамкор, иш сифати ва унуми юқори бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган мавжуд техника воситаларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини экиш учун ерларни тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги намуналарини яратиш, мавжуд машиналарни иш жараёнида ресурстежамкорлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан, янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнлар(ҳайдов қатламини тўлиқ зичлаш, даланинг юза қисмини текислаш ва майдалаш)ни қўшиб бажарадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг юқори иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020

<sup>1</sup> <http://www.nrcs.usda.gov>, <http://cropwatch.unl.edu/tillage/ridge>; <https://www.moluch.ru>, <https://www.zerno-ua.com>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Алоҳида ва комбинациялашган тупроққа ишлов бериш машиналари таркибига кирадиган ғалтакмолаларнинг тадқиқотлари билан хорижда В.П.Мармалюков, Ю.И.Кузнецов, И.М.Панов, А.А.Вилде, Н.К.Мазитов, Ф.М.Канарёв, Ю.И. Митяшин, Н.В.Чайчиц, А.Ф.Жук ва бошқалар шуғулланишган.

Ушбу йўналишда республикамизда С.Аминов, И.А.Иноятов, И.Т.Эргашев, Ў.П.Бобоев, И.З.Носиров, А.О.Хаджи-Муродов ва А.Д.Нуриддиновлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, уларда янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда даладан бир ўтишда уларга тўлиқ ишлов берадиган комбинациялашган машина дискли ғалтакмолаларининг иш жараёни ва параметрларини асослаш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарли даражада бажарилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХАЁ-3-001 “Янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган машина параметрларини асослаш” (2012-2013) ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг И-2016-2-26/1 “Ерларни экишга тайёрловчи комбинациялашган машинанинг саноат нусхаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш” (2016-2017) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги шудгорланган ерларга изма-из ишлов берадиган комбинациялашган машина дискли ғалтакмолаларининг агротехника талаблари даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- шудгорланган ерларни экишга тайёрлаш технологиялари ҳамда уларни амалга оширадиган техника воситалари ҳамда уларга доир бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

- янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган комбинациялашган машинанинг диски ғалтакмолаларига қўйиладиган агротехника талабларини ишлаб чиқиш;

- янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган комбинациялашган машина диски ғалтакмолаларининг параметрларини асослаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

- асосланган параметрларга эга бўлган диски ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машинанинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва дала синовларини ўтказиш;

- асосланган параметрларга эга бўлган диски ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машина қўлланилишининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** – янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган комбинациялашган машинанинг диски ғалтакмолалари ва уларнинг технологик иш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган комбинациялашган машина диски ғалтакмолаларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари ва параметрларини ифодаловчи аналитик боғланишлар, диски ғалтакмолаларнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини уларнинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ҳамда тензометрия усуллари қўлланилган ва мавжуд меъёрий ҳужжатларда (Тст 63.04:2001 “Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для поверхностной обработки почвы. Программа и методы испытаний” ва Тст 63.03.2001 “Испытания сельскохозяйственной техники. Методы энергетической оценки машин”) келтирилган усуллардан фойдаланилган.

Ишлаб чиқилган диски ғалтакмолалар билан жиҳозланган янги шудгорланган ерларга изма-из ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машинанинг иқтисодий самарадорлиги РД Уз 63.03-98 “Испытания сельскохозяйственной техники. Методы расчета экономической эффективности испытываемой сельскохозяйственной техники” бўйича аниқланди.

**Ишнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

комбинациялашган машина диски ғалтакмолаларининг рамада жойлашиш схемаси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

диски ғалтакмолаларнинг параметрларини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар олинган ва тупроқнинг физик-механик хоссалари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўзгариш чегаралари аниқланган;

дискли ғалтакмолаларга берилдиган тик юкланиш уларни тупроққа белгиленган чуқурликка ботиши таъминланиши ва агрегат ҳаракат тезлиги ҳисобга олинган ҳолда аниқланган;

экспериментал тадқиқотлар асосида дискли ғалтакмолалар иш сифати ва тортишга қаршилигини уларнинг параметрлари ва иш тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ўрганилган ҳамда уларни ифодаловчи эмпирик формулалар ва регрессия тенгламалари олинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги шудгорланган ерларга ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машина дискли ғалтакмолаларининг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрлари асосланган;

ишлаб чиқилган мақбул геометрик ва конструктив параметрларга эга бўлган ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машинани қўллаш ерларга сифатли ишлов берилишини таъминлайди ҳамда уларга ишлов беришга сарфланадиган эксплуатацион харажатларни 38 фоизгача камайтириш имконини беради;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, шудгорланган ерларга изма-из ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машина дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шудгорланган ерларга экиш олдида ишлов берадиган комбинациялашган машина дискли ғалтакмолаларининг сифат ва энергетик кўрсаткичларини уларнинг параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи аналитик боғланишлар олинганлиги ва улардан бошқа шунга ўхшаш қурилма ва иш органларини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти шудгорланган ерларни асосланган параметрларга эга бўлган дискли ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машина билан бир ўтишда экишга тайёрлаш ҳисобига ёнилғи ва моддий харажатлар ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган комбинациялашган машина дискли ғалтакмолаларининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

асосланган параметрларга эга бўлган дискли ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машина томонидан ерларга экишдан олдин ишлов бериш технологик жараёни бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга доир дастлабки талаблар ва унинг конструкциясини лойиҳалаш учун техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 майдаги 02/023-1463-сон маълумотномаси). Натижада

шудгорланган дала юзасида майин ва талаб даражасида зичланган тупрок қатламини ҳосил қилиш имконини берадиган комбинациялашган машина яратилган;

янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган дискли ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машинанинг тажриба нусхаси Андижон вилояти Асака тумани ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 майдаги 02/023-1463-сон маълумотномаси). Натижада шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда меҳнат сарфи 34,4 фоизга ва ҳар бир гектар ишлов берилган майдонга сарфланадиган эксплуатацион харажатлар 38,0 фоизга камайган;

ишлаб чиқилган дискли ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машинанинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун унинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 майдаги 02/023-1463-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга бўлган дискли ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машинани ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2017 йилда X Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида республикамиз шароитида янги

шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган машиналар ва уларни такомиллаштириш ҳамда параметрларини асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилиб чиқилган ва улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги пайтда янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлаш ишлари тишли (БЗТХ-1,0; БЗТС-1,0; БЗСС-1,0) ва дискли (ТДБ-3,0; БДТ-3,0) тирмалар ҳамда турли мола-текислагичлар ва экиш олди текислагичлари (МВ-6, МВ-6,5, ВП-8) воситасида алоҳида-алоҳида кўп марталаб ўтиб амалга оширилмоқда. Аммо бу тупроқнинг физик-механик хоссаларини ёмонлашуви, тупроқдан кўплаб нам йўқотилиши ҳамда ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларни ортиб кетишига олиб келади. Таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда ҚХМИТИда янги шудгорланган ерларга ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машина ишлаб чиқилди. Машина понасимон ишчи юзали дисклар билан жиҳозланган ғалтакмолалар, текислагич ва планкали ғалтакмолалардан ташкил топган (1-рasm). Унинг иш жараёни қуйидаги тартибда кечади: плуг корпуслари томонидан ағдарилган палахсаларга биринчи бўлиб дискли ғалтакмолалар таъсир этади. Улар палахсаларни майдалайди ва бутун ҳайдов қатлами бўйлаб зичлайди, кейин текислагич шудгор юзасини текислайди. Шундан сўнг тупроққа планкали ғалтакмола таъсир кўрсатиб, шудгор юзасида ундаги намни сақлаш учун майин қатлам ҳосил қилиб кетади. Ишлаб чиқилган машинани қўллаш иш сифати ва унумини оширади ҳамда энергия сарфи ва бошқа харажатларни



1-рама; 2-осиш қурилмаси; 3,4-дискли ғалтаклар; 5-текислагич; 6-планкали ғалтакмола  
**1-рasm. Янги шудгорланган далага ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машинанинг схемаси**

камайтиради. Аммо бу машина иш органларининг, шу жумладан диски ғалтакмолаларининг параметрлари илмий жиҳатдан асосланмаган. Шундан келиб чиқиб мазкур иш янги шудгорланган ерларга ишлов бериш учун ишлаб чиқилган комбинациялашган машина диски ғалтакмолаларининг параметрларини асослашга йўналтирилган.

Диссертациянинг «Шудгорланган ерларга изма-из ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машина диски ғалтакмолаларининг параметрларини назарий асослаш» деб номланган иккинчи бобида диски ғалтакмолаларнинг параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Қуйидагилар комбинациялашган машина ғалтакмолаларининг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган асосий параметрлари ҳисобланади (2-расм):

$D$  – ғалтакмолалар дисklarининг диаметри, м;

$2\gamma$  – ғалтакмолалар дисklarининг ўткирланиш бурчаги, градус;

$t$  – ғалтакмолалар дисklarининг қалинлиги, м;

$l_u$  – ғалтакмолалар дисklари излари орасининг кенглиги, м;

$l_o$  – ғалтакмолалар орасидаги бўйлама масофа, м;

$Q, Q_y$  – мос равишда ҳар бир диск ва ғалтакмолаларга бериладиган умумий тик юкланиш, Н.

**Комбинациялашган машина диски ғалтакмолаларининг тупроққа ботиш чуқурлиги** улар шудгор юза қатламини такрорий экинлар ва бўғдой уруғлари экиладиган чуқурликка майдалаши ҳамда пастки қатламини эса талаб даражасида зичлаши лозимлиги шартдан 5-6 см оралиғида қабул қилинди.


**Ғалтакмолалар дисklarининг диаметри** уларни шудгорга ботиш чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ифода бўйича аниқланди:

$$D \geq \frac{h_T + h_n}{\sin^2\left(\frac{\varphi_1 + \varphi_2}{2}\right)}, \quad (1)$$

бунда  $h_T$  – диски ғалтакмолалар дисklarининг шудгорга ботиш чуқурлиги, м;

$h_n$  – шудгор юзасидаги нотекистикларнинг баландлиги, м;

$\varphi_1, \varphi_2$  – мос равишда тупроқнинг ташқи ва ички ишқаланиш бурчаклари, градус.



2-расм. Комбинациялашган машина ғалтакмолаларининг параметрлари

$h_T=6$  см,  $h_n=5$  см,  $\varphi_1=25^\circ$  ва  $\varphi_2=35^\circ$  қабул қилиниб, (1) ифода бўйича ғалтакмола дискларининг диаметри камида 44 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз ва 45 см қабул қиламиз.

**Дискларнинг ўткирланиш бурчаги** уларнинг ишчи сиртларига тупроқ ёпишмаслиги шартидан келтириб чиқарилган қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$2\gamma = 90^\circ - \varphi_1. \quad (2)$$

$\varphi_1=25-35^\circ$  қабул қилиб, (2) ифода бўйича  $2\gamma$  бурчак  $55-65^\circ$  оралиғида бўлиши лозимлигини аниқлаймиз ҳамда якуний натижа сифатида  $2\gamma=60^\circ$  ёки  $\gamma=30^\circ$  қабул қиламиз.

**Дискларнинг қалинлиги** улар понасимон қисмларининг ишчи сиртларидан тўлиқ фойдаланиш шартидан олинган қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$t \leq 2h_{T\min} \operatorname{tg}\gamma, \quad (3)$$

бунда  $h_{T\min}$  – дискларнинг тупроққа минимал ботиш чуқурлиги, м.

$h_{T\min} = 5$  см ва  $\gamma = 30^\circ$  қабул қилиниб, (3) ифода бўйича ғалтакмолалар дискларининг қалинлиги кўпи билан 5,8 см бўлиши мумкинлигини аниқлаймиз.

**Ғалтакмолалар дисклари излари орасининг кенглиги** шудгорланган қатламнинг пастки қисми тўлиқ зичланиши таъминланиши шартидан аниқланди (3-расм) ва қуйидаги ифода олинди


$$l_u \leq t[1 + \operatorname{ctg}\gamma \operatorname{ctg}(\gamma + \varphi_1)], \quad (4)$$

бунда  $\varphi_1$  – тупроқнинг дискнинг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги, градус.

$t=5$  см,  $\gamma=30^\circ$  ва  $\varphi_1=30^\circ$  қабул қилиниб, (4) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар ғалтакмола дискларининг излари орасидаги масофа кўпи билан 10 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

**Ғалтакмолаларга бериладиган умумий тик юкланиш** улар белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши таъминланиши шартидан келиб чиққан ҳолда аниқланди ва агрегатнинг иш тезлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги якуний боғланиш олинди

$$Q_y = nQ = \left(\frac{B_m}{l_u} + 1\right) q'_0 (1 + kV^2) \times \left\{ \delta R \left[ \sqrt{2Rh_T - h_T^2} - (R - h_T) \arccos \frac{R - h_T}{R} \right] + \right.$$



3-расм. Ғалтакмолалар дискларининг излари орасининг кенглигини аниқлашга доир схема

$$\begin{aligned}
& + \left[ R^2 - \left( R - \frac{t - \delta}{2} \operatorname{ctg} \gamma \right)^2 \right] \times \left[ \sqrt{\left( R - \frac{t - \delta}{4} \operatorname{ctg} \gamma \right)^2 - (R - h_T)^2} - \right. \\
& \left. - (R - h_T) \arccos \frac{R - h_T}{R - \frac{t - \delta}{4} \operatorname{ctg} \gamma} \left( \frac{1}{\cos \gamma} + \frac{f}{\sin \gamma} \right) \right], \quad (5)
\end{aligned}$$

бунда  $n$  – ғалтакмолаларга ўрнатилган дисклар сони, дона;

$Q$  – ғалтакмолаларнинг ҳар бир дискига бериладиган тик юкланиш, Н;

$B_M$  – машинанинг қамраш кенглиги, м;

$q'_0$  – тупроқнинг статик ҳажмий эзилиш коэффициенти, Н/м<sup>3</sup>;

$k$  – пропорционаллик коэффициенти, с<sup>2</sup>/м<sup>2</sup>;

$V$  – ҳаракат тезлиги, м/с;

$\delta$  – диск тиғининг қалинлиги, м;

$R$  – дискларнинг радиуси, м;

$f$  – тупроқнинг ташқи ишқаланиш коэффициенти.

$l_u = 0,1$  м,  $q'_0 = 1,8 \cdot 10^6$  Н/м<sup>3</sup>,  $R = 0,25$  м,  $t = 0,04$  м,  $\gamma = 30^\circ$ ,  $\delta = 0,004$  м ва  $h_T = 0,06$  м қабул қилиниб, (5) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,75-2,25 м/с ҳаракат тезликларида ғалтакмолаларнинг ҳар бир дискига 0,49-0,55 кН, ҳар бир метр қамраш кенлигига эса 5,06-5,71 кН тик юкланиш берилиши лозимлигини кўрсатди.

**Ғалтакмолаларнинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун куйидаги ифодага эга бўлинди**

$$\begin{aligned}
T_y = & \left( \frac{B_M}{l} + 1 \right) q'_0 (1 + kV^2) \left\{ \delta R^2 \left[ 1 - \frac{R - h_T}{R} \left( 1 - \ln \frac{R - h_T}{R} \right) \right] + \right. \\
& + (f + \operatorname{tg} \gamma) \left( R - \frac{t_\delta - \delta}{4} \operatorname{ctg} \gamma \right) \left[ R^2 - \left( R - \frac{t_\delta - \delta}{2} \operatorname{ctg} \gamma \right)^2 \right] \times \\
& \times \left[ 1 - \frac{R - h_T}{R - \frac{t_\delta - \delta}{4} \operatorname{ctg} \gamma} \left( 1 - \ln \frac{R - h_T}{R - \frac{t_\delta - \delta}{4} \operatorname{ctg} \gamma} \right) \left( \frac{1}{\cos \gamma} + \frac{f}{\sin \gamma} \right) \right] \left. \right\}. \quad (6)
\end{aligned}$$

Бу ифода ғалтакмолаларнинг тортишга қаршилиги машинанинг қамраш кенглиги, дисклар орасидаги кўндаланг масофа, уларнинг радиуси, қалинлиги, ўткирланиш бурчаги, тупроққа ботиш чуқурлиги ҳамда тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

$q_0 = 1,8 \cdot 10^6 \text{ Н/м}^3$ ,  $f = 0,5$ ,  $\gamma = 30^\circ$ ,  $l = 0,1 \text{ м}$ ,  $R = 0,25 \text{ м}$ ,  $\delta = 0,004 \text{ м}$ ,  $t = 0,05 \text{ м}$  қабул қилиниб, (6) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар дискларни тупроққа ботиш чуқурлиги 5-6 см оралиғида бўлганда 1,75-2,25 м/с ҳаракат тезликларида ғалтакмолаларнинг ҳар бир метр қамраш кенлигига тўғри келадиган тортишга қаршилиги 1,09-1,23 кН ни ташкил этишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш учун ишлаб чиқилган лаборатория-дала қурилмасининг тузилиши ва ғалтакмолалар дисклари диаметри, қалинлиги, излари ораларининг кенглиги ҳамда ғалтакмолаларнинг ҳар бир дискига бериладиган тик босим кучини уларнинг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган бир ва кўп омилли тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда ғалтакмолалар дискларининг диаметри, қалинлиги, излари орасининг кенглиги, ғалтакмолага бериладиган тик босим кучи ҳамда иш тезлигини уларнинг тортишга солиштирма, яъни бир метр қамров кенлигига тўғри келадиган қаршилиги, тупроқнинг зичлиги, тупроқнинг уваланиш сифатига таъсири ўрганилди, иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди. Ҳар иккала босқичда ҳам тажрибалар ҚХМИТИ тажриба участкасининг далаларида ўтказилди.

Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотларда олинган натижалар қуйидагиларни кўрсатди:

- ғалтакмолалар дискларининг диаметрини 400 мм дан 500 мм гача ортиши тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланиши, унинг зичлигини ва тортишга қаршилиқни камайишига олиб келади;

- ғалтакмолалар дискларининг қалинлиги 17,5 мм дан 25 мм гача ортиши билан тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланади, унинг зичлиги ва тортишга қаршилиги ортади;

- ғалтакмолалар дискларининг ўткирланиш бурчагини  $45^\circ$  дан  $60^\circ$  гача ортиши тупроқнинг уваланиш сифати ва зичлигига катта таъсир кўрсатмайди,  $60^\circ$  дан  $90^\circ$  гача ортиши эса бу кўрсаткичларни камайишига олиб келади. Тортишга солиштирма қаршилиқ дисклар ўткирланиш бурчагининг  $45^\circ$ - $60^\circ$  оралиғидаги қийматларида камаяди,  $60^\circ$ - $90^\circ$  оралиғидаги қийматларида эса ортади;

- ғалтакмолалар дисклари излари оралиғининг кенлигини 50 мм дан 200 мм гача ортиши тупроқнинг уваланиш сифатини ёмонлашиши, унинг зичлиги ва тортишга қаршилиқни камайишига олиб келади;

- ғалтакмолаларнинг ҳар бир дискига бериладиган тик юкланишни 500 Н дан 800 Н гача ортиши билан тупроқнинг уваланиш сифати

яхшиланади, унинг зичлиги ва тортишга қаршилиқ ортади;

- ҳаракат тезлигини 6,7 км/соат дан 8,3 км/соат гача ортиши тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланиши, зичлигини камайиши ҳамда тортишга қаршилиқни ортишига олиб келади.

Комбинациялашган машина ғалтакмолаларининг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун кўп омилли экспериментлар ўтказилди. Бунда баҳолаш мезонларига омилларнинг таъсирини иккинчи даражали полином тўлиқ ёритиб беради деб қаралиб, тажрибалар Хартли-5 режасидан бўйича ўтказилди.

Тадқиқотларни ўтказишда ғалтакмолалар дискларининг диаметри, қалинлиги, изларининг кенлиги, уларга бериладиган тик юкланиш ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди. Улар қуйидагича шартли белгиланди:  $X_1$  – ғалтакмолалар дискларининг диаметри;  $X_2$  – ғалтакмолалар дискларининг қалинлиги;  $X_3$  – ғалтакмолалар дисклари изларининг кенлиги;  $X_4$  – ғалтакмолалар ҳар бир дискига бериладиган тик юкланиш;  $X_5$  – агрегатнинг ҳаракат тезлиги.

Юқорида ўтказилган назарий тадқиқотлар ва бир омилли тажрибаларга асосланиб, омилларнинг сатҳи ва вариацияланиш (ўзгариш) оралиқларининг қийматлари белгилаб олинди (жадвалга қаралсин).

### Омилларнинг сатҳлари ва ўзгариш оралиқлари

Омилларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Омилларни вариацияланиш оралиғи	Омилларнинг сатҳлари		
			қуйи (-1)	асосий (0)	юқори (+1)
Ғалтакмолалар дискларининг диаметри	мм	50	400	450	500
Ғалтакмолалар дискларининг қалинлиги	мм	2,5	20,0	22,5	25,0
Ғалтакмолалар дисклари излари ораларининг кенлиги	мм	5	5	10	15
Ғалтакмолаларнинг ҳар бир дискига бериладиган тик юкланиш	Н	100	500	600	700
Агрегатнинг ҳаракат тезлиги	км/соат	1,5	6	7,5	9

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида ишлов берилган тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 50 мм кичик фракциялар миқдори ( $Y_1$ , %), 10-20 қатламдаги зичлиги ( $Y_2$ , г/см<sup>3</sup>), 20-30

қатламдаги зичлиги ( $Y_3$ , г/см<sup>3</sup>) ва ғалтакмолаларнинг тортишга солиштира қаршилиги ( $Y_3$ , кН/м) қабул қилинди.

Тажиба натижаларига белгиланган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- 0-10 см қатламдаги тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_1 = +81,060 + 4,024X_1 + 1,793X_2 - 2,646X_3 + 4,200X_4 + 3,385X_5 - 1,114X_1^2 - 0,483X_1X_2 - 0,729X_1X_3 - 0,850X_1X_4 + 0,696X_1X_5 + 1,170X_2^2 - 0,854X_2X_3 - 0,475X_2X_4 + 1,120X_3^2 - 0,571X_3X_4 + 0,767X_3X_5 + 0,403X_4^2 + 0,687X_4X_5 - 0,564X_5^2; \quad (7)$$

- 10-20 см қатламдаги тупроқнинг зичлиги бўйича (г/см<sup>3</sup>)

$$Y_2 = +1,129 - 0,026X_1 + 0,015X_2 - 0,037X_3 + 0,073X_4 - 0,076X_5 + 0,006X_1^2 - 0,002X_1X_2 + 0,001X_1X_3 + 0,002X_1X_4 - 0,004X_2^2 - 0,004X_2X_5 + 0,005X_3^2 + 0,009X_3X_4 + 0,006X_3X_5 - 0,004X_4^2 + 0,006X_4X_5 - 0,005X_5^2; \quad (8)$$

- 20-30 см қатламдаги тупроқнинг зичлиги бўйича (г/см<sup>3</sup>)

$$Y_3 = +1,149 - 0,025X_1 + 0,015X_2 - 0,035X_3 + 0,075X_4 - 0,075X_5 + 0,005X_1^2 + 0,002X_1X_4 - 0,005X_2^2 + 0,005X_3^2 - 0,005X_4^2 - 0,005X_5^2; \quad (9)$$

- ғалтакмолаларнинг тортишга солиштира қаршилиги бўйича (кН/м)

$$Y_4 = +1,099 - 0,035X_1 + 0,035X_2 - 0,045X_3 + 0,120X_4 + 0,160X_5 + 0,005X_1^2 + 0,001X_1X_3 + 0,002X_1X_4 - 0,005X_2^2 - 0,004X_2X_4 + 0,011X_2X_5 + 0,015X_3^2 + 0,008X_3X_4 + 0,015X_3X_5 - 0,010X_4^2 - 0,007X_4X_5 + 0,040X_5^2. \quad (10)$$

Олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган. Ғалтакмолалар дискларининг диаметри ортиши билан тупроқни уваланиш даражаси ортган, тупроқнинг зичлиги ва ғалтакмолаларнинг солиштира қаршилиги камайган, ғалтакмолалар дискларининг қалинлиги ва уларга бериладиган тик юкланишни ортиши барча баҳолаш мезонларини ортишига, улар излари оралиғининг кенглигини ортиши эса уларнинг пасайишига олиб келган.

Регрессия тенгламалари MS Excel ва Planex дастурлари бўйича  $Y_1$  мезон 80% дан катта,  $Y_2$  ва  $Y_3$  мезонлар мос равишда 1,1-1,2 г/см<sup>2</sup> ва 1,2-1,3 г/см<sup>2</sup> оралиқларида ҳамда  $Y_4$  мезон минимал қийматга эга бўлиш шартларидан ечилиб, 6,0-8,0 км/соат иш тезлиги оралиғида комбинациялашган машинанинг ғалтакмолалари қуйидаги параметрларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди: дискларининг диаметри 415-490 мм, қалинлиги 22-25 мм, излари орлиғининг кенглиги 5-10 см, ҳар бир дискка бериладиган тик юкланиш 550-600 Н оралиқларда. Бунда тупроқнинг

уваланиш даражаси 80,5-81,0 % ни, 10-20 ва 20-30 см қатламлардаги тупроқнинг зичлиги мос равишда 1,13-1,15 ва 1,21-1,22 г/см<sup>3</sup> ни ва ғалтакмолаларнинг тортишга солиштирма қаршилиги 0,90-1,22 кН/м ни ташкил этади.

Диссертациянинг «Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машина синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машина тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда асосланган параметрларга эга бўлган ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машинанинг иш кўрсаткичлари тўлиқ унга қўйилган техник талабларга мос келди.

Тавсия этилаётган параметрларга эга бўлган ғалтакмолалар билан жиҳозланган янги шудгорланган ерларга экиш олдида ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машинани қўллаш меҳнат сарфини 34,4 фоизга ва ҳар бир гектарга ишлов берилган майдонга сарфланадиган харажатларни 38,0 фоизга камайтиради ва бунда йиллик иқтисодий самара 39110437 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

«Шудгорланган ерларга изма-из ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машинанинг дискли ғалтакмолалари параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шудгорланган ерларга ишлов берадиган техник воситалар конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболини ўрганиш ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, комбинациялашган машина дискли ғалтакмолаларининг конструкцияси ва параметрларини мақбуллаштириш кузги дон ва такрорий экинларни экиш учун шудгорланган ерларни тайёрлашда иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергияҳажмдорликни камайтириш имконини беради.

2. Янги шудгорланган ерларга ишлов берадиган комбинациялашган машина таркибида понасимон дисклар билан жиҳозланган ғалтакмолаларни қўллаш тупроқни чуқур зичлаш, пастки қатламлардаги ҳаво бўшлиғини йўқотиш ва йирик тупроқ палахсаларини майдаланишини таъминлайди.

3. Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида комбинациялашган машина ғалтакмолалари дискларининг диаметри, ўткирланиш бурчаги, қалинлиги, улар излари орасининг кенглиги, диск ва ғалтакмолаларга бериладиган тик юкланиш, дисклар ва ғалтакмолаларнинг тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар олинди.

4. Агрегатнинг 1,75-2,25 м/с иш тезликларида ғалтакмолаларнинг ҳар бир дискига 0,49-0,55 кН ёки ҳар бир метр қамраш кенглигига 5,06-5,71кН тик юкланиш берилиши уларни талаб этиладиган чуқурликка ботиб ишлашини таъминлайди.

5. Комбинациялашган машина ғалтакмолалари дисklarининг ўткирланиш бурчаги 55-65° оралиғида ва уларнинг қалинлиги ва излари орасининг кенглигини мос равишда кўпи билан 5,8 см ва 10 см бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда шудгорланган ерларнинг юза қатламини сифатли майдалаш ва пастки қатламларини талаб даражасида зичлаш имконини яратади.

6. Ғалтакмолалар дисklarининг диаметри 415-490 мм, қалинлиги 22-25 мм, излари орасининг кенглиги 8,6-10 см, ҳар бир дискка ёки ғалтакмолаларнинг ҳар бир метр қамраш кенглигига бериладиган тик юкланишни мос равишда 550-600 Н ёки 5,68-6,20 кН оралиғида бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда шудгор юзасига талаблар даражасида сифатли ишлов берилишини таъминлайди.

7. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ғалтакмолалар билан жиҳозланган комбинациялашган машинани шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан тупроққа ишлов беришда меҳнат сарфини 34,4 фоизга ва ҳар бир гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатларни 38,0 фоизга камайтиради. Бу битта машинага йилига 39110437 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**МУКИМОВА ДАВЛАТХАН КАРИМОВНА**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ДИСКОВОГО КАТКА  
КОМБИНИРОВАННОЙ МАШИНЫ ПРИМЕНЯЕМЫЕ ДЛЯ  
ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОЙ ОБРАБОТКИ НОВО ВСПАХАННОЙ ПОЧВЫ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ГУЛБАХОП – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T216.

Диссертация выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: (www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Тухтакузиев Абдусалим**  
доктор технических наук, профессор.

**Официальные оппоненты:**

**Мансуров Мухтар Тахиржанович**  
доктор технических наук

**Хушвактов Батир Вахидович**  
кандидат технических наук, старший научный сотрудник


**Ведущая организация:**

АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится «27» ноябрь 2020 г. в 13:00 часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 440). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).

Автореферат диссертации разослан «12» ноябрь 2020 года  
(Протокол рассылки №3 от «12» ноябрь 2020 года)



**М.Т. Тошболтаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Ибрагимов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

**К.К. Нуриев**  
Заместитель председателя научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимает разработка и внедрение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных почвообрабатывающих машин. «Если учесть, что в мировом масштабе площадь земель, обрабатываемых перед севом, составляет 1,8 млрд. гектаров»<sup>1</sup>, то машины, применяемые при подготовке почвы к севу, должны быть, в первую очередь, энерго-ресурсосберегающими с высоким качеством работы и производительностью. В виду этого на модернизацию существующих технических средств, применяемых при подготовке почву к севу, и разработке новых уделяется большое внимание.

В мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на разработку ресурсосберегающих технологий подготовки почвы к севу семян сельскохозяйственных культур и новых образцов технических средств для их осуществления, научно-технических основ модернизации существующих машин с целью обеспечения ресурсосбережения в процессе работы.

